

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерациясида расмий ташриф билан бўлиб турибди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Қозон шаҳрига келди.

Абдулла Туқай номидаги халқаро аэропортда давлатимиз раҳбарини Россия Ҳукумати Раисининг ўринбосари – саноат ва савдо вазири Денис Мантуров ва Татаристон Раиси Рустам Минниханов кутиб олди.

Россия Федерациясида расмий ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозон шаҳридаги “Казань Экспо” марказида очилган Татаристон саноат салоҳияти кўргазмасига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарига Россия Ҳукумати Раисининг ўринбосари – саноат ва савдо вазири Денис Мантуров ва Татаристон Раиси Рустам Минниханов ҳамроҳлик қилди.

4 октябрь куни бу ерда учинчи Ўзбекистон – Россия ҳудудлараро ҳамкорлик форуми бўлиб ўтди. Президентимизга ушбу тадбир якунлари тўғрисида батафсил ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари Татаристоннинг етакчи корхоналари саноат маҳсулотлари ва технологиялари билан танишди.

Кўргазма доирасида Россия Ҳукумати Раисининг ўринбосари – саноат ва савдо вазири Денис Мантуров билан учрашув бўлиб ўтди. Навбатдаги Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари фо-

румида эришилган келишувларни, энг аввало, саноат кооперацияси лойиҳаларини амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Қозон Кремли” тарихий-меъморий ва бадиий музей-кўриқхонасида бўлди.

Давлатимиз раҳбарига Татаристон Раиси Рустам Минниханов ҳамроҳлик қилди.

Қозондаги Кремль ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. У Қозоннинг энг қадимги қисми бўлиб, шаҳарнинг кўп асрлик тарихини ўзида муҳасам этган меъморий, тарихий ва археологик ёдгорликлардан иборат.

Бу ерда Ўзбекистон Президенти “Қул Шариф” масжидини кириб кўрди. Татаристон мусулмонлари диний бошқармаси раиси, муфтий Камил Самигуллин олий мартабали меҳмонга масжид тарихи ҳақида батафсил сўзлаб берди. Дуо ўқилди.

Масжид 1996-2005 йилларда Қозон хонлиги ҳудудида XVI асрнинг иккинчи ярмига қадар мавжуд бўлган жума масжиди ўрнида бунёд этилган ва Имом Қул Шариф номи билан аталган.

Давлатимиз раҳбари Қозон ва Татаристон метрополити Кирилл ҳамроҳлигида Благовешенск соборини ҳам кўздан кечирди. Қозон Кремли ҳудудидаги обидаларнинг энг қадимгиси бўлган ушбу иншоот XVI асрда бунёд этилган. Псков меъморчилик анъаналарининг ёрқин намунаси.

Шавкат Мирзиёев Россия Феде-

рациясида расмий ташриф доирасида Татаристон Республикаси Раиси Рустам Минниханов билан учрашув ўтказди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари кейинги йилларда ўзаро ҳамкорликда юқори натижаларга эришилганини мамнуният билан қайд этди. Савдо ва инвестициялар ҳажми ошиб бормоқда. Тошкент вилоятида “Чирчик” кимё-индустриал технопарки муваффақиятли фаолият олиб бормоқда, Жиззах вилоятида технопарк қурилиши давом этмоқда.

Кимё тармоғи ва машинасозликда йирик кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Жиззах шаҳрида Қозон федерал университетининг филиали ишлагоқда.

Қозон шаҳрида ўтган учинчи Ўзбекистон – Россия ҳудудлараро ҳамкорлик форумининг якунлари, жумладан, Ўзбекистон ҳудудларида Россиянинг “Алабуга” ва “Мастер” технопарклари билан янги саноат паркларини ташкил этиш бўйича эришилган келишувлар қайд этилди.

Металларга ишлов бериш, ахборот-коммуникация, уй-жой коммунал соҳаларида истиқболли кооперация лойиҳаларини амалга ошириш, таълим, туризм ва ёшларга оид сиёсатда ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув якунида муҳим йўналишлар бўйича амалий шериклик лойиҳаларини қўшма “йўл харита”лари асосида илгари суришга келиши олинди.

Расмий ташриф билан Россия Федерациясида бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозондан Москвага келди.

Россия пойтахтининг “Внуково-2” аэропортда давлатимиз раҳбарини Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг ўринбосари – саноат ва савдо вазири Денис Мантуров ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига Ўзбекистон ва Россия давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортиди. Тантанали кутиб олиш маросими бўлди.

Ташриф дастурига мувофиқ, 6 октябрь куни икки мамлакат етакчилари тор ва кенгайтирилган таркибда музокара ўтказди. Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинади.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникациявий, маданий-гуманитар ва бошқа устувор йўналишларда ҳар томонлама ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболларини кўриб чиқиш режалаштирилган. Минтақавий ва халқаро кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилади.

Ўзбекистон Президенти Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Михаил Мишустин билан ҳам музокара ўтказди.

ЎЗА

Мамлакатимизда педагог касбининг обрў-эътибори ва нуфузини янада оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Жумладан, уларнинг моддий турмуш шароитларини яхшилаш, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш йўлидаги масъулиятли меҳнатини муносиб баҳолаш – давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий эътиборида турибди.

● Моҳият

Устоз-мураббийлар МАҚОМИ

энди қонун асосида тартибга солинади



Айтиш керакки, сўнги йилларда педагог ходимларнинг иш ҳақи миқдорлари бир неча марта оширилди. Педагогларнинг иш юктамалари таълим стандартлари талабларига мувофиқ мақбуллаштирилиб, уларга алоҳида устама ҳақлар жорий этилди.

(Давоми 3-бетда) ►

■ Муносабат

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ЯНГИ БОСҚИЧИ

одил судлов сифатини оширишга
хизмат қилади

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизimini тубдан ислоҳ қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократик тамойилларнинг таркибий қисми сифатида судларнинг ҳолислиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ишончли ҳимоясини таъминлашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда.



Хусусан, судлар фаолияти босқичма-босқич такомиллаштириб борилмоқда. Чунки айнан суднинг нуфузини ошириш, маъмурий, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизimini янада яхшилаш, тизимда қонунийликни янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқий ёрдам ва юридик хизмат кўрсатиш тизimini ривожлантириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини ишончли ҳимоялаш, кафолатларини таъминлашга эришилади.

(Давоми 3-бетда) ►

■ Тарих тилсимлари



СОҲИБҚИРОНГА МУНОСИБ НАБИРА

ёхуд Мирзо Улуғбек мероси

Буюк ҳукмдор ва олим Мирзо Улуғбек 1394 йил 22 март куни ҳозирги Озарбайжон ҳудудидаги Султония шаҳрида Соҳибқирон Амир Темурнинг тўртинчи ўғли Шохрух Мирзо оиласида дунёга келган.

(Давоми 4-бетда) ►

■ Жамиятимиз мақсади



Очиқлик ва ошқоралик — МУҲИМ МЕЗОН

Жамият ҳаётининг ҳозирги глобаллашув, тезкор жараёни барча соҳаларда очиқлик, ошқоралик, демократик тамойилларга амал қилган ҳолда изчил ислоҳотларни амалга ошириш, аҳоли манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини кафолатлашда янгица ёндашувлар жорий этишни талаб қилмоқда. Айниқса, бу ахборот алмашинуви жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, фуқароларга ҳолис ахборот етказиш давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ўзаро ишончли ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди.

(Давоми 2-бетда) ►

■ Маъмурий тартиб-таомиллар

Қонун устуворлигини ТАЪМИНЛАШ

суд-ҳуқуқ тизимидаги

ислоҳотларнинг асосий негизидир



Шу йил 30 апрелда ўтказилган референдумда қабул қилинган янги тахрирдаги Конституциямиз билан мамлакатимизда инсон манфаатлари давлат манфаатларидан устун экани белгилаб берилди.

Инсон манфаатларига қаратилган ислоҳотларнинг давоми сифатида Президентимизнинг 2023 йил 11 сентябрдаги Фармони билан “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тасдиқланди. Мазкур стратегияда 5 та устувор йўналиш ва 100 та мақсад белгиланган бўлиб, 4-устувор йўналиш “Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш” деб номланади.

(Давоми 2-бетда) ►

■ Эзгу тамойил

ЯГОНА ҲУҚУҚИЙ АСОС

Конституциянинг тўғридан-тўғри ишлаши
одил судловга эришишда муҳим аҳамиятга эга

Янги тахрирдаги Конституциямиз халқчиллиги, жамиятдаги долзарб масалаларни тўғридан-тўғри тартибга солиши ҳамда бевосита инсон манфаатларига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Жумладан, Конституциямизнинг 15-моддасига кўра, у мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.



Айтиш керакки, ушбу тамойилдан келиб чиқиб, бугунги кунда судларда ҳам янги тахрирдаги Конституциямиз нормаларини тўғридан-тўғри қўллаш орқали қонуний ва адолатли қарорлар қабул қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бу борада жорий йил 23 июндаги Олий суд Пленумининг

“Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори муҳим ўрин тутди.

(Давоми 2-бетда) ►

● Қонун кўмаги

Тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқи жавобгар вакиллари томонидан судда тан олинди ва тикланди



Аввало шунини таъкидлаш керакки, Конституциямизнинг 55-моддасида ҳар кимга ўз ҳуқуқи ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

(Давоми 2-бетда) ►

Жамиятимиз мақсади

Очиқлик ва ошкоралик — муҳим мезон



◀(Бошланиши 1-бетда)

Шу ўринда қайд этиш жоизки, кейинги йилларда суд-хуқуқ тизимида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, янги таҳрирдаги Конституция-миз, шу билан бирга қабул қилинган янги қонунлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Чунончи, биргина “Судлар тўғрисида”ги қонунда мамлакатимизда суд тизими очиқлиги ва унинг кафолатлари аниқ ифодасини топди.

Бинобарин, ушбу ҳужжатга кўра, қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, барча судларда ишлар очиқ кўрилиши, суд мажлиси залида ҳозир бўлган шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлиси залида қонунда белгиланган тартибда фотосуратга олиши, видео ва аудио ёзувни амалга ошириши мумкинлиги белгиланди.

Суд тизими очиқлигини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти ҳақида жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш бугун ҳар қа-сонгидан долзарб. Шу мақсадда ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Натижада оммавий ахборот воситаларида, қолаверса, ижтимоий тармоқларда ёлғон ахборотлар тарқалишининг олди олинмоқда.

Муҳим амалий ишлардан яна бири — қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшитирилганидан сўнг унинг мазмун-моҳияти суд процесси штирокчиларига тушунтирилмоқда, судлар қарорлари Олий суд веб-сайтида мунтазам равишда эълон қилиб борилмоқда. Бу аҳоли ўртасида турли хил тушунмовчиликлар келиб чиқишининг олдини олишга хизмат қилмоқда. Албатта, бу борада ишлар самарадорлигини янада ошириш зарур.

Бундан ташқари Олий судда Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази (PR Марказ) ҳамда вилоят ва унга тенглаштирилган судларда матбуот хизматларининг ташкил этилганлиги аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш ва суд ҳокимиятининг очиқлигини ошириш йўлида кўрилган муҳим қадам бўлди. Айтиш пайтида суд тизими матбуот котиблари ёрдамида ахборот алмаши-нувида, яъни оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда очиқлик, ҳолислик ва ишончлилик каби асосий мезонлар таъминланмоқда.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, суд жараёнида ишларнинг ошқора кўрилиши, тортишув тамойиллини тўлиқ таъминлаш мақсадида жи-

ной-процессуал қонунчи-ликка 2021 йил февралдан жиноят иши бўйича дастлабки эшитув институти жорий этилди.

Шу ўринда жиноят иши бўйича дастлабки эшитув институти қандай процессуал жараён ва унинг мақсади нималардан иборат? — деган савол туғилади.

Қайд этиш жоизки, ушбу институтнинг мақсади — суд мажлисида йўл қўйилиши мумкин бўлган процессуал қонун бузилишларининг олдини олибгина қолмай, жиноят ишини очиқ суд мажлисида мукамал кўриш учун тайёрлашдан иборатдир.

Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, ушбу институт суд муҳокамасига тайёрларлик кўриш билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари тикланишига, уларнинг суд ва тергов органлари идораларида беҳуда вақт сарфлашига барҳам беришга, процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун давлат томонидан ажратилган маблағлар мақсадсиз йўналтирилишининг олдини олишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Айтиш пайтида процессуал муддатлар сабабсиз чўзилишининг олдини олиш натижасида қонуний ва асосли қарор қабул қилинишига замин яратадиган босқич саналади.

Айтиш керак, бугун дастлабки эшитув амалиётининг кўп-кўп мамлакатлар самарали фойдаланиб келмоқда. Айрим давлатларда судьянинг дастлабки эшитув борасида қабул қилган қарори устидан шикоят қилиш ҳуқуқи мавжуд эмас. Миллий қонунчилигимизда дастлабки эшитув институти амалиётга жорий этилгани баробарида, фуқароларнинг қарорлари келтириш билан боғлиқ ҳуқуқлари ҳам таъминлангани диққатга сазовор. Чунки шикоят қилиш ҳуқуқи шахснинг конституциявий ҳуқуқларидан биридир. Шу маънода айтганда, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Муҳтасар айтганда, суд-хуқуқ тизимида жорий этилаётган муҳим ҳаётий чора-тадбирлар ушбу тизимни янада такомиллаштириш, уни халқаро стандартларга, очиқлик ва адолатлилик тамойилларига янада яқинлаштириш, энг муҳими, бу одамларнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлашдир. Албатта, бу пировардида янги Ўзбекистонда одил судловни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини изчил кафолатлаш, судлар фаолиятдан халқимизни рози қилишга ҳисса қўшади.

Одилжон ТОЖИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

◀(Бошланиши 1-бетда)

Ўз навбатида, ушбу устувор йўналишнинг “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимидаги ислохотлар” номли бўлимидаги асосий мақсадлардан бири — давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда маъмурий адлия тизимини янада ривожлантиришдир. Ушбу мақсадга эришиш учун 2030 йилгача:

- маъмурий судларга бевосита мурожаат қилишга тўқтинлик қилаётган омилларни тўлиқ бартараф этиш;

- судга қадар босқичда низо-ларни ҳал қилиш самарадорлигини 50 фоизга ошириш;

- судга қадар ҳал этилиши мумкин бўлган низо-лар юзасидан судларга келиб тушадиган ишлар сонини 50 фоизга камайтириш;

- маъмурий тартиб-таомиллар принципларини йўл ҳаракатини тартибга солиш билан бирга, ишораларга тўлиқ татбиқ этиш кераклиги белгиланган.


Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, республика маъмурий судлари томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида кўрилган ишлар-

◀(Бошланиши 1-бетда)

Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратсак, даъвогар Салима Шарипова (исм-шарифлар ўзгартирилган) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2018 йилда М.Шарипов билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришгани, биргаликдаги турмушлари давомида бир нафар фарзандли бўлишгани, бироқ ўрталаридаги никоҳ бекор қилингани, боласи ногирон эканлиги боис ҳеч қачонда ишлай олмаётгани, моддий жиҳатдан қиналиб қолгани боис ўнга ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар жавобгардан алимент ундириб беришни сўраган. Фуқаролик ишлари бўйича Бўстон туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилган. Аммо жавобгар суднинг ушбу қароридан норози бўлиб, апелляция шикояти билан мурожаат қилган. Андижон вилояти судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ушбу ишни батафсил кўриб чиқиб, биринчи босқич судининг юқоридаги қарорини ўзгаришсиз қолдирди. Айтиш керакки, судлов ҳайъати ўз ажримидан, энг аввало, янги таҳрирдаги Конституцияимизнинг 77-моддасини асос сифатида келтирди. Чунки Бош қонунимизнинг ушбу моддасида “**Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандлари-**

Маъмурий тартиб-таомиллар

Қонун устуворлигини таъминлаш суд-хуқуқ тизимидаги ислохотларнинг асосий негизидир



нинг 22,5 фоизини Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ ишлар ташкил этган.

Бу ўринда Президентимизнинг 2020 йил 17 июндаги “Низо-ларни муқобил ҳал этишнинг механизми янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳузурида “**Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низо-ларни судга-**

ча ҳал қилиш бўйича апелляция кенгашлари” ташкил қилинганини таъкидлаш лозим. Ушбу кенгашларнинг асосий вазифаси жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органи ўртасида юзага келадиган низо-ларни судга кўриб чиқиш ва хулоса қабул қилиш орқали уларни ҳал этиш чораларини кўришдан иборат.

Шундай бўлса-да, судларда кўри-лаётган ишларнинг таҳлили айнан пенсия билан боғлиқ низо-ларни судга ҳал қилиш механизми деярли ишламаётганини кўрсатмоқда. Бинобарин, “**Ўзбекистон —**


2030” стратегиясида белгиланганидек, судга қадар босқичда низо-ларни ҳал қилиш самарадорлигини 50 фоизга ошириш ҳамда судга қадар ҳал этилиши мумкин бўлган низо-лар юзасидан судларга келиб тушадиган ишлар сонини 50 фоизга камайтириш эвазига, ўз навбатида, фуқароларнинг судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ор-тиқча вақт сарфлаб, сарсон бўлиб юришларининг олдини олишга эри-шилади.

Бунинг учун амалдаги қонунчи-ликка маъмурий судларда кўри-ладиган айрим тоифадаги ишлар бўйича низо-ларни судга ҳал этиш механизмининг янада кенгайтириш орқали унга риоя қилинмаган ҳол-да берилган аризалар судга кўри-лашга ҳақида ўзгартириш кири-тиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Акмал МУРОДОВ,
Навоий вилояти маъмурий суди раиси

Эзгу тамойил

Ягона ҳуқуқий асос



Конституциянинг тўғридан-тўғри ишлаши одил судловга эришишда муҳим аҳамиятга эга

ни вояга етгунга қадар боқиш, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар” дея қайд этилган.

Яна бир мисол. Андижон вилояти Бандлик бош бошқармаси Давлат меҳнат инспекцияси Г.Ашуровнинг манфаатини кўзлаб, «IJDOKOR» масъулияти чекланган жамиятига нисбатан меҳнат вазифарларини бажариш вақтида майибланганлиги учун тўланадиган бир мар-талик нафақа, ойма-ой зарар пуллари ва маънавий зарар-ни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан фуқаролик ишлари бўйича Асака туманлараро судига мурожаат қил-ган.

Аниқланишича, 2022 йил-

нинг июль ойида Г.Ашуров-нинг ўнг кўли гишт ишлаб чиқариш дастгоҳида жароҳат олган. Ушбу ҳолат юзасидан далолатнома тузилиб, тан жароҳати олганлиги меҳнат вазифарларини бажариш ҳо-латлари билан боғлиқ экани қайд этилган. Тиббий меҳнат экспертиза комиссияси ху-лосасига кўра, Г.Ашуров касбий меҳнат лаёқатини 10 фоизга йўқотгани белгилан-ган. Даъво аризасида белги-ланган пенсияни ҳисоблаш-нинг базавий миқдори ошиб бориш ҳолатида ҳисоблаб чиқарилганида, Г.Ашуров-нинг ўртача ойлик иш ҳақи 2 миллион 600 минг сўм бўл-гани, пенсия ва нафақалар 7 фоиз оширилгани назарда тутган ҳолда, ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 2 миллион 782 минг сўм, бир йилда эса 33 миллион 384 минг сўм хи-

собрланган. Бундан ташқари йўқотилган иш ҳақи учун ет-казилган зиёни қоплаш тар-зида амалга ошириладиган ҳар ойлик тўлов 278 минг 200 сўмни, бунинг йиллик миқдо-ри 3 миллион 338 минг 400 сўмни ташкил этиши қайд этилиб, жавобгардан Г.Ашу-ров фойдасига бир марталик нафақа, ҳар ойлик тўловлар ҳамда маънавий зарарни ун-дириб бериш сўралган.

Суд низони барча важ-лар ва иш ҳужжатлари бил-лан бирга батафсил ўрганиб чиқди ҳамда даввони қано-атлантириш хусусидаги тўх-тамга келди. Яъни жавобгар-дан Г.Ашуров фойдасига ўз вақтида тўланмаган 33 мил-лион 384 минг сўм нафақа, 3 миллион 338 минг 400 сўм миқдоридаги ойма-ой зарар-лар, шунингдек, 5 миллион сўм маънавий зарар ундири-

ладиган бўлди.

Суд қарор қабул қилишда, биринчи навбатда, Бош кому-симизнинг 55-моддаси, яъни ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланма-ган барча усуллар билан ҳи-моя қилишга ҳақли эканлиги, ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркин-ликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилот-ларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хи-лоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатлини тўғрисидаги меъёрга асосланди.

Суд амалиётининг бу каби мисолларини яна келтириш мумкин. Эътибор беринг, янги таҳрирдаги Конституцияимиз кучга кирган кундан бошлаб жорий йил август ойининг якунига қадар Андижон вилоятида фуқаролик муноса-батларига доир низо-ларни кўришда биринчи инстанция судларида 434 мартаба, вилоят судининг фуқаролик судлов ҳайъатида 39 маро-таба Конституция меъёрла-ри қўлланилган.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, Конституцияимизнинг устуворлиги ҳамда унинг тўғридан-тўғри амал қилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликла-рини таъминлашда ҳуқуқий асос вазифарини ўтамоқда.

Жасуриддин АБДУСАТТАРОВ,
Андижон вилояти суди раиси ўринбосари

◀(Бошланиши 1-бетда)

Асосий қонунимиздаги ушбу меъёр “**Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида**”ги кодекснинг 4-моддаси-да ҳам ўз ифодасини топган. Унга кўра, ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳи-моя қилиш учун маъмурий судга му-рожаат қилишга ҳақли.

Кейинги йилларда мамлакатимиз суд-хуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ одил судловни таъминлашга ягона ваколатли тамойилларига янада яқинлаштирилмоқда. Энг муҳими, бу одамларнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлашдир. Албатта, бу пировардида янги Ўзбекистонда одил судловни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини изчил кафолатлаш, судлар фаолиятдан халқимизни рози қилишга ҳисса қўшади.

Шунингдек, маъмурий судларда мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш тизими такомиллаштирилгани алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан,

суд назоратини қўллаш соҳаси кенгай-гани натижасида мансабдор шахсларнинг қарорлари, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги қонуний эмаслигини исботлаш маж-бурияти уни қабул қилган ўша шахсга юқлаш тартиби, яъни “суднинг фаол иштироки” тамойили жорий этилди.

Эндиликда маъмурий судлар ишларни кўришда “суднинг фаол иштироки” тамойили асосида фао-лият юритмоқда. Бу судларнинг ўз ташаббуси билан ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун да-олирларни йиғиш имкони-ни бермоқда. Чунки иш-нинг ҳақиқий ҳолатини аниқлашда далил ўта муҳим саналади.

Шу йилнинг ўтган саккиз ойи давомида Навоий вилояти маъ-мурий судлари томо-нидан тадбиркорлик субъектлари ҳимоя қилиш билан боғ-лик 115 та иш кўриб чиқилди. Уларнинг 59 таси қаноатлантирилиб, тадбиркорлик субъектларининг бу-зилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тикланди.

Шу ўринда фикримизни ҳаётий мисоллар асосида давом эттирадиган бўлсак, Савдо-саноат палатаси

Навоий вилояти ҳудудий бошқар-маси “FARANGIZ – SHABNAM 2020” масъулияти чекланган жамияти ман-фаатини кўзлаб, судга даъво ариза-си билан мурожаат қилган ва вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2022 йил 29 августдаги 20/1-63587- сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Навоий туманлараро маъмурий су-дининг 2023 йил 1 июндаги ҳал қилув қарорига асосан аризаларнинг талаби қаноатлантирилган, вилоят давлат солиқ бошқармасининг қарори ҳақиқий эмас, деб топилган. Суд томонидан жавобгар зиммасига “FARANGIZ – SHABNAM 2020” масъулияти чеклан-ган жамиятига нисбатан “камерал солиқ текширувида аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида”ги материалларни қайта кўриб чиқиш мажбурияти юқлатилган.

Яқинда Навоий вилояти суди апел-ляция инстанцияси очиқ суд мажли-сида ҳам ушбу иш мазмунан кўриб чиқилди. Апелляция судлов ҳайъати

● Қонун кўмаги

ТАДБИРКОРНИНГ

биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолди-ришни лозим топди.

Маъмурий иш ҳужжатларидан кўри-нишича, вилоят давлат солиқ бош-қармасининг 2022 йил 8 июндаги 20/1-00485-к-сонли буйруғига асосан “FARANGIZ – SHABNAM 2020” масъу-лияти чекланган жамиятида камерал солиқ текшируви ўтказиш белгилан-ган. Солиқ идорасининг буйруғига асо-сан солиқ текширув мuddати 8 августга қадар узайтирилган ва айтин санада бошқарма ходимлари томонидан тек-ширув натижаси бўйича далолатнома ва хулоса тузилган.

Энди тадбиркорнинг ҳуқуқи бузил-ган ҳолатга эътибор қаратсак, қор-хонанинг 2021 йил учун топширган ҳисоботида жамиятнинг махсуслотни реализация қилишдан тушган соф фойдаси 2 миллиард 78 миллион 552 минг 660 сўмни, харажатлари 2 мил-лиард 69 миллион 311 минг 700 сўмни ташкил этган.



Моҳият

УСТОЗ-МУРАББИЙЛАР МАҚОМИ энди қонун асосида тартибга солинади

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бугунги кунда юртимизда 640 минг нафар педагог олий таълим, ўрта махсус ва профессионал таълим, умумий ўрта ҳамда мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритмоқда.

Бироқ педагогларнинг мақомини ошириш бўйича шу вақтга қадар амалга оширилган чора-тадбирлар ва қабул қилинган ҳужжатлар уларнинг ўз фаолиятини мукамал бажариши, касбий фаолиятига ноқонуний аралашувлардан ҳимояланиши учун тўлиқ асос бўлиб хизмат қилмапти. Масалан, 2022 йилда умумий ўрта таълим тизимида 52 нафар педагог бошқа ишларга жалб этилган, 1 минг 555 нафар педагог мажбурий обуна қилинган, 4 минг 195 нафарининг иш ҳақидан маблағлар ушлаб қолинган.

Бундан ташқари давлат таълим ташкилотлари раҳбарлари, таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда ота-оналарнинг педагог ходимлар касбий фаолиятига асосий аралашуш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бу эса, педагогларга таълим сифатини яхшилаш, таълим ва тарбия олувчиларга етарли билим ва кўникмалар бериш имкониятини қайсибир маънода чеклайди.

Айни пайтда иқтидорли ёш авлод ва юқори малакали кадрларнинг педагогика фаолиятига кенг жалб этилишини таъминлаш учун уларга алоҳида ҳуқуқ ва имтиёзлар тақдим этиш, педагог ходимнинг жамиятдаги мавқеини юксалтиришга қаратилган қатор чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан, уларнинг мақомини алоҳида қонун билан белгилаш талаб этилаётган. Шу маънода Олий Мажлис Сенатининг қирқ бешинчи ялпи мажлисида "Педагогнинг мақоми тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилгани ва маъқуллангани муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу ҳақда сўз борганда, Президентимиз томонидан ўқитувчи ва муаллимларнинг ҳаётимиздаги нуфузи ва мавқеини ошириш мақсадида уларнинг мақомини қонун даражасида белгилаш тақдир этилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Сенаторлар томонидан маъқулланган қонунда ёшларга таълим ва тарбия бериш жараёнида ўқитувчи-



лар ўзларининг салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий қўллаб-қувватлаш чоралари қафолатланиши кўзда тутилмоқда.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 2022 йил 20 декабрдаги Мурожаатномасида мактабларда таълим сифати ҳамда жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш, муаллимларнинг шароитларини яхшилаш 2023 йилдаги энг асосий вазифаларимиздан бирига айланишини таъкидлади.

Шундан келиб чиқиб, педагог ходимнинг жамиятдаги мақомини юксалтириш, унинг фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни тартибга солиш ва касбий камол топиши учун шароит яратиш ҳамда ҳуқуқий қафолатларини таъминлаш мақсадида "Педагогнинг мақоми тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди.

Мазкур қонун асосида педагогларнинг ўз касбий фаолиятини юритиши учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилади, уларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланади, педагогларнинг ҳуқуқлари амалга оширилиши учун қафолатлар берилди. Энг муҳими, мамлакатимизда педагогнинг мақоми тан олинади.

Қонунда педагогларнинг касбий фаолиятини амалга ошириш учун ҳуқуқлари белгилаб қўйилмоқда. Улар,

хусусан, касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини талаб қилиши, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ижодий таътил олиши, таълим ташкилотини бошқаришда, таълим ташкилотининг фаолияти билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиши, ўз касбий фаолиятига ғайриқонуний равишда аралашувдан ҳимояланиш ҳамда таълим олувчилар ва уларнинг ота-оналари томонидан педагогнинг касбига ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилиши мумкин.

Шу билан бирга, янги қонунда педагогнинг ўз касбий фаолиятини амалга ошириши чоғида тақиқланмаган ҳолатлар ҳам кўрсатиб ўтилмоқда. Таълим олувчиларнинг билимларини тўғри ва ҳолис баҳолашга таъсир кўрсатиш, шунингдек, хизмат мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилиш тақиқланмоқда.

Қонунда педагогик этика қоидалари, педагогларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, аттестация ва малака тоифаларини бериш бўйича қоидалар ҳам киритилмоқда. Этика қоидалари таълим ташкилотлари учун тегишинча, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади.

Педагогнинг ўз касбий фаолиятига кирмайдиган ишларга, шу жумладан, ҳудудларни ободонлаштириш, қишлоқ ҳўжалигидаги ишлар ва йиғилишларга жалб қилиш тақиқланмоқда. Шунингдек,

педагоглардан ҳисобот ва бошқа маълумотларни талаб қилиш, фаолиятини асоссиз равишда текшириш, давлат ва нодавлат ташкилотлар тадбирларида қатнашишга мажбурлаш ман этилмоқда.

Қонуннинг энг муҳим жиҳатларидан бири – педагогнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича қоидалар белгиленмоқда. Унга кўра:

- меҳнатнинг алоҳида шароитларида, олис ҳудудларда ҳамда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ишлайдиган педагогларга устамалар тўланади;
- давлат таълим ташкилотларида илмий фаолият билан шуғулланган педагогнинг базавий лавозим маошига – фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) ва профессор илмий унвонига эга шахслар учун базавий лавозим маошининг 30 фоиздан 60 фоизгача миқдорда ҳар ойлик устама тўланади;
- халқаро ва республика олимпиадалари (танловлари) ғолиби бўлган ҳамда ушбу олимпиада ва танловлар ғолибларини тайёрлаган педагогларга устамалар тўланади;
- тегишли даражадаги миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлган педагогларга сертификат амал қилишининг бутун муддати давомида ҳар ойлик устамалар тўланиши белгиленмоқда.

Қонунда педагогларни ижтимоий ҳимоя қилиш қафолатлари ҳам кўрсатилмоқда. Хусусан, педагоглар учун қисқартирилган иш вақти, да-

вомийлиги кўпи билан эплик олти календарь кундан иборат бўлган ҳақ тўланадиган ҳар йилги асосий узайтирилган меҳнат таътили берилиши қайд этилмоқда.

Шунингдек, педагогларга компенсация тўланиши ҳолатлари алоҳида кўрсатилмоқда. Касб эгаларининг фарзандлари давлат мактабгача таълим ташкилотларига имтиёзли рўйхатга асосан қабул қилиниши, давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида давлат таълим ташкилотларининг педагогларини мажбурий бепул тиббий кўриқдан ўтказиш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари педагог ходимлар:

- шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш юзасидан;

- давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоят қилиб, судга мурожаат қилганда давлат божини тўлашдан озод қилиниши белгиленмоқда.

Мухтасар айтганда, ушбу қонуннинг қабул қилиниши жамиятда педагогларнинг мақомини оширишга, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, меҳнатига ҳақ тўлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, малака ошириш ва қайта тайёрловдан ўтишга доир тизимли масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиди. Педагогларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

Одилжон ИМИНОВ,
Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси

Муносабат

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг янги босқичи



одил судлов сифатини оширишга хизмат қилади

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи умумэътироф эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларида ўз ифодасини топган. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддасида қайд этилганидек, ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалики даражада асосли эканлигини аниқлаш учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошқора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.

Адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқ инсон ҳуқуқлари ҳимоясига бевосита дахлдор экан, уни амалда таъминлаш давлат органларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Чунки жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда ва ошқора кўриб чиқилиши янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 28-моддасида белгилаб қўйилган.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти эса, узил-кесил қарор қабул қилишда суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилигини уч босқичли тизим воситасида текшириш имкониятлари чеклангани сабабли мазкур тизимни ўрта бўғим, яъни вилоят судларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Шу маънода, 2023 йил 27 сентябрда "Суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинган алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ушбу қонунга кўра, суд ҳукмлари, ажримлари, қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартлари такомиллаштирилди. Жумладан, 2024 йил 1 январдан апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияларини жорий қилиш белгиланди.

Биринчи инстанция судининг ҳукмлари, ажримлари устидан дастлаб апелляция тартибидан, агар апелляция тартибидан кўрилмаган бўлса, қонуний кучга кирган ҳукмлар, ажримлар устидан кассация тартибидан шикоят ё протест бериш, апелляция ёки кассация тартибидан кўриб чиқилган жиноят ишлари бўйича чиқарилган ҳукмлар, ажримлар устидан эса, тафтиш тартибидан шикоят ё протест бериш, шунингдек, тафтиш тартибидан тақдоран шикоят ё протест билдириш юзасидан илтимоснома билан мурожаат қилиш имкони яратилмоқда.

Бундан ташқари ҳукм устидан апелляция тартибидан шикоят ёки протест бериш мuddаги йигирма суткадан ўн суткага қисқартирилмоқда. Шунингдек, жиноят ишини кассация ва тафтиш тартибидан кўриш натижалари юзасидан янги оқлов ёки айблов ҳукми чиқариш ваколатлари берилмоқда.

Бу ўз навбатида, суд қарорларини бекор қилиб, янгидан кўриш учун қули инстанция

судларига қайтариш амалиётига чек қўйди ва фуқароларнинг орқича сарсонгарчиликлари олдини олишга хизмат қилади. Айбловни тўлдириш ва судланувчига нисбатан айбловни оғирроғи билан алмаштириш, шунингдек, жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлиги аниқланган ҳолатлар бундан мустасно, албатта.

Мухими шуки, ана шу янгиликлар натижасида судда ҳар бир иш бўйича яқиний ҳулосага келишга эришилади.

Айтиш кераки, қонунга киритилган ушбу ўзгартиришларга мувофиқ, тафтиш тартибидан шикоят ёки протест туман (шаҳар) судларида апелляция ёки кассация тартибидан кўриб чиқилган ҳукмлар, ажримлар устидан, шунингдек, туман (шаҳар) судлари томонидан кўрилган иш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судларининг апелляция ёки кассация тартибидан чиқарилган ҳукмлари, ажримлари устидан Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари берилса, туман (шаҳар) судларининг апелляция, кассация ёки тафтиш тартибидан кўриб чиқилган ҳукмлари, ажримлари устидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция бўйича чиқарилган ҳукмлар, ажримлар ва улар юзасидан чиқарилган апелляция ёки кассация инстанциясининг ҳукмлари, ажримлари устидан эса, Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ва Бош прокурор Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг тафтиш тартибидан чиқарилган ҳукмлари, ажримлари устидан Олий суднинг Раёсатига тафтиш тартибидан тақдоран кўриб чиқиш учун протест билдиришлари мумкин.

Бу ҳуқуқ маҳқум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларининг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан, оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳамда ишда тараф бўлмаган шахсларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан илтимосномаларини кўриб чиқиш натижасида кўриб чиқилган жиноят ишлари бўйича таъминланади.

Ҳулоса қилиб айтганда, янги қонун билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўйбга чиқариш ва жамиятда адолатни қарор топишига хизмат қилади. Шу билан бир қаторда, суд қарорларини қайта кўришда вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш, фуқароларнинг шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга замин яратади.

Шаҳзод БАХТИЁРОВ,
Қашқадарё вилояти суди судьяси

БУЗИЛГАН ҲУҚУҚИ

жавобгар вакиллари томонидан судда тан олинди ва тикланди

Ўртадаги фарқ 9 миллион 240 минг 960 сўм. Қонун талабига кўра, корхона ана шу маблағнинг 15 фоизи миқдоридан, яъни 1 миллион 386 минг 144 сўм фойда солиғи тўлаган.

Шунингдек, корхонанинг электрон шакллантирилган фактура бўйича харажати 1 миллиард 84 миллион 19 минг 279 сўмни, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий солиқ бўйича харажатлари 6 миллион 608 минг сўм — жами 1 миллиард 90 миллион 627 минг 278 сўмни ташкил этган.

Аммо солиқ идораси ҳулосасида корхонанинг жами даромади 2 миллиард 78 миллион 552 минг 660 сўмни ташкил этгани, шундан фақат электрон шакллантирилган фактура бўйича харажати, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий солиқ бўйича харажатлари йиғиндиси 1 миллиард 90 миллион 627 минг 278 сўмни чегириш

орқали 987 миллион 925 минг 380 сўм фойда қилгани, шундан 148 миллион 188 минг 807 сўм фойда солиғи тўлаши лозим, дея қайд этилган.

Бироқ солиқ идораси корхона 9 миллион 240 минг 960 сўм фойда учун тўлаган 1 миллион 386 минг 144 сўм фойда солиғини чегириб ташлашдан 148 миллион 188 минг 807 сўм тўлаши керак, деган нотўғри ҳулосага келган. Бу ҳолат апелляция судлов ҳайъати суд мажлисида жавобгар вакиллари томонидан ҳам тан олинди.

Табиийки, бундай вазиятда вилоят давлат солиқ бошқармасининг қарорини қонуний ва асосли деб бўлмади.

Шу ўринда Олий суд Пленумининг 2023 йил 20 февралдаги "Судлар томонидан солиқ қонунчилигини қўллашнинг айрим масалалари

ҳақида"ги 4-сонли қарори 32-бандига тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки ушбу бандда солиқ органи қарори ҳақиқий эмас, мансабдор шахснинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) қонунга хилоф деб топилган тақдирда, судлар Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 189-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, тегишли солиқ органи ёки мансабдор шахс зиммасига солиқ текшируви материалларини қайта кўриб чиқиш ёхуд шахснинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш учун қонунда назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юклан масаласини муҳокама қилиши тўғрисида раҳбарий тушунтириш берилган.

Биринчи босқич суди ушбу раҳбарий тушунтиришга асосланиб, жавобгар зиммасига корхонага нисбатан "камерал солиқ текширувида

аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида"ги материалларини қайта кўриб чиқиш мажбуриятини юклан ҳақида қонуний ва асосли ҳулосага келган.

Ҳулоса ўрнида айтганда, тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқ ва манфаатлари судларда ишончли ҳимоя қилиниши халқимизнинг одил судловга бўлган ишончининг янада оширишга хизмат қилади. Шунингдек, жамиятимиз тараққиётини таъминловчи катта куч — тадбиркорлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тўлиқ рўйбга чиқиши мамлакатимиз иқтисодий ва халқимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Давлат БОБОНОВ,
Навоий вилояти маъмурий суди судьяси



Тарих тилсимлари

СОҲИБҚИРОНГА МУНОСИБ НАБИРА

ёхуд Мирзо Улуғбек мероси

◀(Бошланиши 1-бетда)
Мирзо Улуғбекни бошланғич йилларида бувиси Бибиқоним тарбия қилган. 1405 йилда Амир Темур вафот этгач, унинг авлодлари ўртасида кечган тахт учун курашда Шохрух Мирзонинг қўли баланд келади ва Мовароуннахр пойтахти бўлган Самарқандни ўгли Улуғбекка топширади.

1411 йилда 17 ёшли Мирзо Улуғбек Мовароуннахр ва Туркистон ҳокими этиб тайинланади. У ёшлигида фан ва санъат турлари, айниқса, математика ва астрономияга жуда қизиққан. У ажойиб хотира эгаси бўлган, араб ва форс тилларини мукаммал билган, турк шеърятиндан яхши хабардор бўлган.

Мирзо Улуғбек 1447 йилда отаси вафот этгач, Балхга жўнади. Бу ерда у марҳум акаси Бойсунғур Мирзонинг ўғли Алоудавла Мирзонинг Ҳиротда теурийлар салтанати ҳукмронлигини даъво қилганидан хабар топади. Мирзо Улуғбек Алоудавлага қарши юриш қилади ва Мурғобда бўлиб ўтган жангга галаба қозониб, 1448 йилда Ҳиротга йўл олади. Бироқ Алоудавла Мирзонинг укаси Абулқосим Бобур Мирзо унга ёрдамга келиб, биргаликда Мирзо Улуғбекнинг қўшинини мағлуб этишади.

Мирзо Улуғбек Балхга чекинганда тўнғич ўғли Абдуллатиф Мирзо ҳам исён кўтаради. Абдуллатиф Амударё бўйида отасининг қўшинини кутиб олиш мақсадида қўшин тўплади. Қутилмаганда Мирзо Улуғбек ҳеч қандай жангсиз Самарқандга чекинишга мажбур бўлади. Абдуллатиф тез орада Самарқандга етиб боради ва отасининг тахтини эгаллайди. Абдуллатиф отасини ҳибсдан озод қилиб, Маккага ҳаж қилишига рўхсат беради. Аммо Мирзо Улуғбек 1449 йилда манзилига етиб бормасдан туриб у отаси ва укаси Абдулазиз Мирзони қатл этишга буйруқ беради.

Мирзо Улуғбек даврида Самарқанд дунёнинг илм-фан ўчоқларидан бирига айланган. Бу ерда Мирзо Улуғбекнинг атрофида Гиёсиддин Жамшид Қоший, Қозизода Румий, Али Қушчи каби таниқли олимларни бирлаштирган катта илмий мактаб вужудга келади. Бундан ташқари Самарқандда тарихчи олим Ҳофиз Абу, табиб Мавлоно Нефис, Сирожиддин Самарқандий, Саккокий, Лутфий, Бадахший каби таниқли шoirлар яшаб, ижод қилишган. Улар ўз даврининг энг илғор фикрли ва илмли кишилари бўлган.

Мирзо Улуғбекнинг вафотидан сўнг Самарқанддаги олимлар бошқа мамлакатларга кўчиб кетди. Шогирди Али Қушчининг саъй-ҳаракати билан Мирзо Улуғбекнинг асарлари Туркияда тарқалади ва сўнг Европа мамлакатларига етиб боради. Масалан, 1638 йилда Истанбулга келган инглиз олими ва шарқшунос Оксфорд университетининг профессори Жон Гривс Мирзо Улуғбекнинг "Зижи Қурагоний" асарининг бир нусхасини Англияга олиб кетади. 1648 йили ундаги 98 та юлдузнинг жадалли чоп этилади. 1650 йили асарнинг биринчи мақоласи лотинча таржима қилиниб, нашр этилади. Орадан икки йил ўтгач, асар яна қайта нашрдан чиқади.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда ушбу асарнинг юзга яқин форсий ва 15 дан ортиқ араб тилидаги нусхаси мавжуд. Ушбу маълумотларни хабар қилганда кўра, Мирзо Улуғбекнинг вафотидан сўнг Самарқанддаги олимлар бошқа мамлакатларга кўчиб кетди. Шогирди Али Қушчининг саъй-ҳаракати билан Мирзо Улуғбекнинг асарлари Туркияда тарқалади ва сўнг Европа мамлакатларига етиб боради. Масалан, 1638 йилда Истанбулга келган инглиз олими ва шарқшунос Оксфорд университетининг профессори Жон Гривс Мирзо Улуғбекнинг "Зижи Қурагоний" асарининг бир нусхасини Англияга олиб кетади. 1648 йили ундаги 98 та юлдузнинг жадалли чоп этилади. 1650 йили асарнинг биринчи мақоласи лотинча таржима қилиниб, нашр этилади. Орадан икки йил ўтгач, асар яна қайта нашрдан чиқади.



билан асарнинг илк бор рус тилидаги тўлиқ таржимаси нашр этилди. Шу йили Мирзо Улуғбекнинг яна "Тўрт улус тарихи" асари ҳам ўзбек тилида эълон қилинди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Мирзо Улуғбекнинг самарқандлик хаттот Азизулло томонидан насх хатида тахминан 1439 йилда кўчирилган "Зижи Қурагоний"си сақланмоқда. Қўлёзма саҳифаларида Мирзо Улуғбекнинг тузатишлари ҳам бор.

1417-1420 йиллар Мирзо Улуғбек Самарқандда мадраса барпо эттирган. Ушбу мадрасада кўплаб машҳур олимлар фаолият юритган. Уша пайтда ушбу мадрасалар университети вазифасини бажарган. Самарқанд шахрининг энг диққатга сазовор обидаларидан бири XV аср мейморчилигининг нодир намунаси бўлган Мирзо Улуғбек масжидининг 1428-1429 йилларда Мирзо

Улуғбек фармойиши билан Чўпонота тепалигида улкан цилиндр шаклида бунёд этилган. Унда ўндан ортиқ турли хил астрономик қурилмалар ва асбоблар бўлган. Улар ёрдамида қуёш, ой, сайёра ва юлдузлар катта аниқликда ўрнанилган. Шунингдек, расадхонада улкан кутубхона жойлашган. Мирзо Улуғбекнинг энг йирик астрономик асари "Зижи Қурагоний" ана шу ерда яратилган.

Сирли дунё

Ҳаётда баъзан кимнингдир нигоҳидан вуҷудимизга илқик таралганини сезсак, кимнингдир қарашидан эса танимиз музлаб кетади. Бунинг жавобини кўпчилик яхши билса керак. Инчунун, ўтган асрдаёқ теляпатия бўйича тадқиқот ўтказган олимлар «қўриш нурлари» ҳақида «Биологик радиоолоқа» номи илмий рисолини яратибган. Унда айтилишича, қўз қараш миядаги биорадиациян нурларининг ингичка тизимчаси ҳисобланар экан. Бундай ҳусусиятга эга одамлар қўз қараш орқали ўз фикрини узата олади.



Қўз қаъридаги СИНОАТ

Масалан, машҳур ҳайвон ўргатувчиси В.Дуров олимларга ўз фикрини жонзотларга қай тарзда етказишни намоёиш этиб берган. В.Дуров «Марс» каабли кучукчага фикран меҳмонхонадан даҳлизга чиқиш ва у ердан маълумотлар дафтарчасини телефон ёнида ётган китоблар орасидан топиб, изига қайтишни буюради. Ҳайвон ўргатувчи кучукчанинг қўзларига ярим даққача тикилиб турганидан сўнг жонивор унинг топшириғини беҳатар бажарган. Биригина В.Дуровнинг ўзи билан бу тадқиқотларнинг 1300 таси ўтказилиб, уларнинг деярли ҳаммаси муваффақиятли якунланган.

Хўп, В.Дуров ноёб қобилият эгаси бўлган, бунинг устига ҳайвонлар руҳиятининг билимдон ҳам, дейлик. Аммо баъзида шундай бўладики, киши ўзи билмаган ва англамаган тарзда қўзи орқали мияга буйруқ бера оларкан. Масалан, 55 ёшли Стив Мак-Келлон деган овчига тўсатдан баҳайбат айиқ ҳужум қилади. Узини ҳар ёнга уриб, йиртиқдан химоя қилишга уринаётган овчи ўзи билмаган ҳолда ханжар тутган қўлини олдинга чўзганча, айиқнинг қўзларига қўзини тикиб қолади. Овчининг нигоҳлари даҳшат ва қаҳрга тўла эди. Қолаверса, у яхши билардики, қутурган, газабланган йиртиқчининг қўзларига тик қараш ниҳоятда хавфли бўлиб, бундай вазиятда жонзот баттар жазавага тушиши тайин эди. Аммо чорасиз қолган овчи ўлими муқаррарлигига тан бериб, айиқнинг қўзларига тик боқди.

Масалан, Марғилон шахрида яшайдиган Ҳикматилло Даминов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ва пойтахтимизнинг Сергели тумани, 5-даҳасида истиқомат қилувчи Дилрабо Асилова ҳам 2020 йил август ойида "Инстаграмм" ижтимоий тармоғи орқали танишиб қолишади. Шундан сўнг улар видеоолоқа орқали бир-бирлари билан суҳбатлашади, турли хил суратларини ҳам алмашишади. Аммо Ҳ.Даминов Д.Асиловага негандир исминини "Шохруз" деб айтади. Буни қарангли, орадан кўп ўтмай йигит аёлга ёқтириб қолганини айтиб, дил изхори қилади. Ҳ.Даминовнинг кўнглида ҳам унга нисбатан илқик пайдо бўлади. Шу боис улар учрашиб, яқиндан танишиб олишади.

Жинойят ва жазо

ОШИҚ НИҚОБИДАГИ ФИРИБГАР

Бугунги кунда ижтимоий тармоқлар қулай алоқа воситаси сифатида одамларнинг оғирини енгиб, узоғини яқин қилаётгани, шунингдек, зарур ахборот ва билим манбаига айлангани ҳеч кимга сир эмас. Аммо ҳаётда ана шундай имконият ва қулайликлардан ўзининг фаразли мақсадини амалга ошириш йўлида фойдаланадиган кимсалар ҳам учраб туради.

тиб, 5000 АҚШ доллари олади. Аммо орадан бир неча кун ўтмай, уйга пул етмаётганини айтиб, яна қарз сўрайди. Қисқаси, у бир ой ичида Д.Асиловадан 15.000 АҚШ долларини олади. Кейин эса, қўнғирроқ қилиб, бу пулга уй сотиб олганини билдиради. Д.Асилова буни эшитиб, мамнун ҳолда яккаю-ёлғиз ўғли Назиржон билан Фарғонага кўчиб боради.

Ҳақиқатан ҳам, Ҳ.Даминов уларни Фарғона шахрида кутиб олади, аммо она-болани ўзи ижарага олган уйга бошлаб боради. Д.Асилованинг кўч-кўронларини эса, онасининг уйига тушириб қўяди.

— Нега ўзимизнинг уйга бормадик? — дея хайрон бўлиб сўрайди Д.Асилова.

— Ҳозир уйимиз таъмирида, усталар ишлашяпти. Улар ишни тугатиши билан, кўчиб ўтамыз, — дейди Ҳ.Даминов.

Шундан сўнг у яна Д.Асиловани алдашга тушади.

— Мен ўйлаб кўрдим, қолган пулингизга ҳам яна битта уй сотиб олсак, яхши бўлади. Уйнинг

қадрини ҳеч қачон тушмайди, пулни ушлаб туради, кейинроқ зарурат туғилса, қимматроққа сотамиз, — дейди Ҳ.Даминов.

Бу тақдир Д.Асиловага ҳам маъқул тушади. Шу боис аёл 15.000 АҚШ долларини ҳам унинг қўлига тутқазади.

Орадан кўп ўтмай Д.Асилова Ҳ.Даминовдан сотиб олинган уйларни қўрсатишни сўрайди. Аммо Ҳ.Даминов ҳали таъмирлаш ишлари ниҳоясига етмаганини айтди. Бу ҳам етмагандек, 2022 йил 30 январь куни у яна Д.Асиловани алдайди. Аниқроғи, "Спарк" русумли автомашина сотиб олаётгани сабабли соддадил аёлнинг нақд 30.000.000 сўмлик тилла тақинчочларини қўлга киритади.

— Сотиб олган машинама ҳадемай ўлгингиз Назиржонга қолади, — дейди у. — Шунинг учун ўйлаб ўтирмай тилла тақинчочларингизни бераверинг.

Шу тариқа орадан 6 ой ўтади. Бу орада соддадил аёл ўғли билан бошқа бир ижара уйга кўчиб ўтади. Бироқ йил якуни-

гача — 2022 йил декабрь ойига қадар ҳам эр бўлмишининг ваз-қарсонлари тугамайди. Чунки у алдов йўли билан қўлга киритган катта миқдордаги маблағни уй ҳам, машина ҳам сотиб олмай, ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборганди. Охир-оқибат Д.Асилова алдангани, ишончига кирган Ҳ.Даминов фирибгар эканини англаб етди. У пулларини қайтариб беришни талаб қилганда, фирибгар 30.000 АҚШ доллари ва 30.000.000 сўмлик тилла тақинчочларини олгани ҳақида тилхат ёзиб беради. Шундан сўнг аёл фирибгарга қонуний чора қўришни сўраб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилади.

Албатта, ушбу муурожаатдан сўнг Ҳ.Даминовга нисбатан жинойят иши қўзғатилади. Лекин у шундан сўнг ҳам ўзи етказган зарарни қоплашни ўйлаб кўрмайди. Шу боис жинойят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди судланувчини Жинойят кодексининг 168-моддаси 4-қисми "а" банди билан айбдор деб

Рустам ЖАББОРОВ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бахтиёр ИСЛАМОВ Холмўмин ЁДГОРОВ
Робохон МАХМУДОВА Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ Замира ЭСОНОВА
Икрам МУСЛИМОВ Азиз АБИДОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575. Буюртма: G-1015 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табақ. Сотувда эркин нархда. Адади: 4146
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰, Топширилди: 00⁰⁰.